

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Фермер хўжалигини бошқариш» факультети

5610100 Фермер хўжалигини бошқариш

«Фермер хўжалигини бошқариш» кафедраси

**Мавзу: “Фермер хўжаликлари мевачилик фаолиятининг
минтақавий самарадорлиги”**

Бажарди:

4-босқич 431 гуруҳ талабаси

А.Султанбаев

Илмий раҳбар

и.ф.д.,

проф. Абдуғофаров А.

Тақризчи

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди.

Кафедра мудири,
_____ доц. Пулатова Р.Х.
«__» _____ 2014 йил

Фермер хўжалигини бошқариш факультети
декани, доцент

_____ Шокиров А

«__» _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ – 2014

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

доцент Р.Пулатова

201__ йил «__» _____

Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши

4 курс 31 - гуруҳ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

СУЛТОНБОВ АЗИЗЖОН РАВШАН ЎҒЛИ

**Ишнинг мавзуси: “Фермер хўжаликлари мевачилик фаолиятининг
минтақавий самарадорлиги”.**

1.Ректорнинг “17” 12. 2013й. 7 –сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2.Ишни топшириш муддати: 20.05.2014 йил

3.Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:Ўзбекистон
Республикаси Қонунлари, Президаент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

4.Малакавий битирув ишининг қисқача мазмуни: Фермер хўжалигида мева етиштириш самарадорлигини ошириш усуллари, муаммолари ва ечимлари.

5.Жадвал ва чизма ишларининг рўйхати: Мамлакат аграр тармоғида мева етиштиришнинг замонавий кўринишлари, мева етиштириш самарадорлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, фаолият турлари, бугунги кундаги ҳолати таҳлили, улар фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари чизмалар ва жадвал асосида ёритиб берилган.

6. Маслаҳатчилар

Т/р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			топшириқ берилди	топшириқ бажарилди
1	Адабиётлар таҳлили	А.Абдугафаров	3.12.2013	Бажарилди
2	БМИ мақсад ва вазифалари белгилаш	А.Абдугафаров	2.01.2014	Бажарилди
3	1-боб.	А.Абдугафаров	3.02.2014	Бажарилди
4	2-боб.	А.Абдугафаров	5.03.2014	Бажарилди
5	3-боб.	А.Абдугафаров	4.04.2014	Бажарилди
6	Хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш	А.Абдугафаров	28.05.2014	Бажарилди

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

Т/р.	Малакавий битирув ишини бажариш босқичлари	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	Адабиётлар таҳлили	2.01.2014	Бажарилди
2.	БМИ мақсад ва вазифалари белгилаш	3.02.2014	Бажарилди
3.	1-боб.	3.02.2014	Бажарилди
4.	2-боб.	5.03.2014	Бажарилди
5.	3-боб.	4.04.2014	Бажарилди

6.	Хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш	01.06.2014	Бажарилди
----	------------------------------------	------------	-----------

**Битирув малакавий ишининг
рахбари:**

А.Абдугафаров

Топшириқни бажаришга олдим:
“ ” 2013йил

А.Султонбоев

КИРИШ	5
Адабиётлар шарҳи.....	9
1-Боб. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда аграр секторининг аҳамияти.....	17
1.1. Бозор муносабатлари шароитида аграр секторни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари.....	17
1.2. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қишлоқ хўжалигининг роли.....	23
2-Боб. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни.....	28
2.1. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва ривожланиш босқичлари.....	28
2.2. Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларнинг аҳамияти.....	37
3-Боб. Ўзбекистонда мевачиликнинг минтақавий самарадорлиги.....	51
3.1. Ўзбекистонда мева етиштиришнинг минтақавий самарадорлиги.....	51
3.2. Боғбон фермер хўжалигида мева етиштиришнинг самарадорлиги.....	60
Хулоса ва таклифлар.....	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65

КИРИШ

Мавзуининг долзарблиги. Бу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши мевачилик маҳсулотларига самарали фаолият кўрсатиши, бозорни истеъмолчилар талаби катта бўлган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мева маҳсулотлари етиштириш, уларни саноат усулида қайта ишлаш ва яқуний истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш жуда муҳим йўналиш ҳисобланади. Кўплаб хорижий мамлакатлар, масалан, Голландия, Италия, Франция ва бошқа мамлакатлар энг янги илмий ютуқлар ва нанотехнологиялардан фойдаланиш асосида мева-узум ва сабзавот маҳсулотлари бозорини ташкил этиш бўйича бой тажриба тўплаган. Республикамизга хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бу тажрибаларни кенг амалиётга жорий қилиш замонавий технологик асосларда мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнини тезлаштиради.

Мева маҳсулотлари агросаноат фирмаларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709 сонли «Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПП-255 сонли «Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709 сонли «Боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2008 йил 20 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларини оптималлаштириш ва етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида

келтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ижроси борасидаги қарорлари ҳам далолат беради.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифатини бошқаришни самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, муайян йўллари ва воситаларини аниқлаш ҳамда мазкур соҳанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўз илмий ишланмалари ва илғор хорижий тажрибаларни уйғунлаштириш мева маҳсулотлари бозорининг кўплаб муаммоларини самарали ҳал қилишга ва шу тариқа одамларнинг доимий ўсиб борадиган эҳтиёжларини, айниқса, ассортимент ва сифат жиҳатидан тўлароқ қондиришга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, молиялаштиришнинг назарий асослари ва ушбу тармоққа йўналтирилаётган маблағнинг самарадорлигини ошириш масалалари Хитой олимларидан Л.Цфу, Ц.Фан ва Л.Чжоу лар¹, россиялик иқтисодчилар И.Н. Буздалов, А.Данкевич, Е.Оглоблин, И.Санду, И.Г.Ушачев² ларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида эса ушбу масалалар А.М. Жўраев, С.Н.Усмонов, А.С. Цамутали, Р.Ҳ. Хусанов³ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Республика иқтисодиётининг муҳим сектори бўлган ҳолда мева маҳсулотлари комплекси кўплаб олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган бўлиб, бундан

¹ Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. «Китайское чудо»: экономическая реформа, стратегия развития. - М.: 2001. -68 с.

² Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. - М.: 1990. -73 с.; Ушачев И. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. - М.: 2006. -9 с.; Оглоблин Е. Развитие научно-исследовательских институтов и их деятельность в условиях рыночной экономики. - М.: Наука. 2005. -32 с.; Данкевич А. Закономерности экономического развития (проблемы методологии). - М.: Экономист. 2001. - №11. -75-80 с.; Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). - М.: 2000. -325 с.; Бездудный Ф., Смирнова Г., Нечаева О. Сущность понятия инновации и его классификация. - М.: Инновация. 1998. -№2-3. -98-100 с.; Баутин В. М. Понятие «инновация» как экономическая категория. // Развитие инновационной деятельности в АПК: Материалы международной научно-практической конференции. - М.: -ФГНУ «Росинформагротех», 2003. -251-253 с.

³ Усмонов С.Н. Научные основы регулируемых рыночных отношений. -Ташкент, 1992. -159 с.; Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А. «Тадбиркорлик асослари». -Фарғона, 2000. -75 б.; Жўраев А.М., Ахмедов Д.К., Соатов Х.К. «Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш», -Тошкент, 1995. -89 б.; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. -Ташкент, 1994. -72 с.

илмий асарлар, нашрларнинг мавжудлиги ҳам далолат беради. Бороздин Р.Г., Мирзаев М.М., Нариянц М.Р., Вергазова Р.Р., Мансуров С.М., Бакиев А., Вахидова С.Э., Кадиров А.М., Хасанджанов К.А., Цамутали А.С., Рахимов Б., Хамдамов Б.К. ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мева маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатишининг самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланган ташкилий-иқтисодий шароитлар ҳўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари, нарх шаклланиш тизимлари, бозор муносабатлари қатнашчиларини рағбатлантириш, солиққа тортиш, кредитлаш, моддий моддий-техника ресурслари билан таъминлашни ташкил қилиш, тайёр маҳсулотни сотиш ва бошқа кўп нарсалардан таркиб топган.

Республикамизда жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайитириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Авваламбор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда бозорлар тизимида ўз аҳолисининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириши ва мева, узум бўйича ташқи иқтисодий мажбуриятларни бажариш кўзда тутилган мева-узум маҳсулотлари бозори муҳим ўрин эгаллайди. Унинг аҳамияти мева-узум маҳсулотлари сифати, сони ва нарх даражаси билан, шунингдек, республика аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва инсон ҳаёти учун зарур бўлган даромад олиш имконияти билан белгиланади.

Мева маҳсулотларига эҳтиёжларни қондириш даражаси унинг қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилишига боғлиқ бўлиб, у республикада етарлича барқарор фаолият юритган, бундан мева-узум экинлари эгаллаган майдонлар ҳажми тўғрисида статистик маълумотлар ҳам далолат беради. Хусусан, 1990-2012 йиллар давомида мевазорлар майдони 18,5 фоиз ва узумзорлар майдони 8,5 фоиз ўсган, ҳосилдорликка келадиган бўлсак, у ҳам ўсган

бўлиб, фақат жадал суръатлар билан - мевалар - 62,6 фоиз, узумзорлар - 11,7 фоиз⁴.

Юқоридаги асарлар аграр-иқтисодиёт фанига маълум бир ҳисса қўшади ва бозор иқтисодиёти шароитида янгича иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда мева-узум маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатишининг самарадорлик муаммоларини янада кенгроқ ўрганиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

БМИ мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар ҳал этилган:

- мева ишлаб чиқариш ривожланишнинг асосий жараёнлари ва ундаги мавжуд номутаносибликлари, ишлаб чиқариш ўсишига тўсқинлик қилувчи ҳудудий омиллар ўрганилган;

БМИ мақсади. Мамлакатни озиқ-овқат соҳасини асосий омили бўлмиш мева маҳсулотлари самарадорлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

БМИ вазифалари. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

➤Бозор муносабатлари шароитида аграр секторни ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш;

➤Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ролини аниқлаш;

➤Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар аҳамиятини таҳлил қилиш;

➤Ўзбекистон минтақаларида мева-узум етиштириш ҳолатини таҳлил қилиш;

➤Фермер хўжаликлари мева фаолиятининг минтақавий самарадорлигини таҳлил қилиш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

И.А.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т., "Ўзбекистон", 2014 й.

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг кун тартиби ўтган 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир деб фикр юритилади.

И.А.Каримов «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод ва мафкура», Т., «Ўзбекистон» 1996 й., 363 б. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатини концепсиясининг асосий қоидалари баён қилинган ушбу китобда республика тараққиёти ҳозирги босқичнинг ўзига хос хусусиятлари чинакам мустақил

демократик давлат барпо этишнинг принциплари, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг асослари таърифлаб берилган. Мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг ўзаги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўллари ва халқнинг маънавий ва маърифий қадриятларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши кўрсатилган.

Б.И.Комилжоновнинг “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш” (2007) ўқув қўлланмасида бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, инновацияларни жорий этиш, миллий корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиши талқин қилинади.

Т.Х.Фармонов муаллифлигида чоп этилган “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари” номли монографияда республикамиз қишлоқ хўжалигида истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланади. Иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналиши сифатида фермер хўжаликларини бундан буён ташкил этиш ва ривожлантиришнинг объектив зарурлигини белгиловчи омиллар, унинг назарий асослари ва асосий тамойиллари, хўжаликларнинг барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, қишлоқ хўжалигидаги товар маҳсулоти ишлаб чиқрувчи йирик хўжалик субъекти сифатидаги ўрни иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларида уларнинг улушини кўпайиш динамикаси ўрганилган.

“Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари”. - Тошкент. ЎзБИИТИ, 2005-285 б. Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш Маркази ва Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида “Фермер

хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари” мавзусида 2005 йил 3 июнь куни ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси маърузалари асосида тайёрланган.

“Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари”. Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 11 январь 26-сонли Фармойишига мувофиқ жорий йилнинг январь-феврал ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган семинар-мунозараларда қилинган маърузалар асосида тайёрланган бўлиб, унда миллий истиқлол ғояси, кадрлар тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, диний экстремизм моҳияти, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини такомиллаштириш каби масалалар ҳозирги давр талаблардан келиб чиқилган ҳолда ёритиб берилган.

“Иқтисодий эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари”. Ушбу илмий мақолалар тўпламида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераётган хўжалик юритиш шакли-деҳқон хўжаликлари фаолияти ва уни ривожлантиришга бўлаётган муаммолар ҳамда уларнинг илмий-амалий ечимларини ўзида мужассам этган .

Республика Президентининг 1997 йил 18 мартда 1737-фармони чиқди. Бу фармоннинг 4-бандида, деҳқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларни ролини кучайтириш борасида деҳқон ва фермерлар уюшмаси ташкил топди. Бу уюшманинг ташкил топиши деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эди. Шу уюшма қошида деҳқон ва фермерларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил топди. Бу жамғарма деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш билан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада жадаллаштиришга қаратилган эди. Жамғарма 1998 йилдан бери ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ширкат хўжаликларини тўлиқ тугатиш орқали фермер хўжаликларини ташкил қилиш ўз мазмуни ва моҳияти билан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлардаги янги йўналиш бўлиб, бунда хўжаликлар тўлиқ фойда олишга эришади. (А.. Жўраев, 2002 й.)

Бу китобда асосий эътибор мамлакатимизда тadbиркорлар олдида пайдо бўлаётган иқтисодий муаммолар ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар олдида турган тўсиқлар ва қийинчиликлар батафсил ёритилган. Лекин баъзи вазиятларда фермер хўжаликлари билан тузилаётган шартномалар тенг ҳуқуқли асосда тузилмаяпти, натижада фермерларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда. (У. Барноев, 2003 й.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 2004-2006 йилларда «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонида фермер хўжаликларига ер бериш туман ҳокимини қарори асосида бўлади. Фермер хўжалигига берилган ер ширкат хўжалиги балансида чикарилади. Бундан ташқари фермер хўжалигини ҳам аъзолари шартнома асосида ишга қабул қилинади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хусусий, кичик тadbиркорлик фаолиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг назарий асослари ҳамда тadbиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари баён қилинган. Бу китоб тўрт бобдан иборат: Тadbиркорликнинг моҳияти ва мақсадлари; Хусусий тadbиркорлик соҳасини танлаш ва корхона имкониятини белгилаш; Тadbиркорликнинг ишлаб чикариш дастури ва бизнес режаси; Хусусий тadbиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўқувчига тушунарли бўлиш учун китобда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган баъзи бир

корхоналарнинг бизнес-режаси, корхона устави ва бошқа ҳужжатлари илова сифатида кўрсатилган (Ҳ. П. Абдулқосимов, 1995 йил).

Б.Т.Салимов, Қ.С.Ҳамдамов ва бошқалар. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди (2004 йил). Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шаклларидан бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ҳамда уларни ташкил этиш, бошқариш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Деҳқон ва фермер хўжаликларида ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш хизматларидан фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, сотиш, сармоя сарфлаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш, улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш каби мавзуларга кенг ўрин берилган.

К.П.Оболенский “... самарадорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичари экин майдонининг бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ўлчамлари ва маҳсулот таннархини пасайиши бўлиб қолади” деб ҳисоблайди.

Шунинг билан бир қаторда у ҳар қандай ҳолда 1 сўмлик харажатга маҳсулот ишлаб чиқариш ўлчамлари кўрсаткичини қўллашни тавсия қилган, бу эса жонли ва жисмоний меҳнатнинг самарадорлигини акс эттиради деб таъкидлаган. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришни баҳолашда ердан фойдаланиш даражаси, меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи, моддий пул ресурслари, асосий ишлаб чиқариш воситалари каби масалаларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шундан келиб чиқиб, ялпи маҳсулот (товар ва пуд кўринишида), 100 гектарга экин майдонига, бир ишчи кунига ва бир киши соатига ҳамда 100 сўмлик ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган ялпи ва соф даромад кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этган.

К.П.Оболенскийнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам ҳар бир корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи даромад миқдори муҳим аҳамият касб этади. Ялпи даромад-бу корхона томонидан бир йил давомида ишлаб чиқарилган

барча турдаги маҳсулот ва хизматларнинг пулдаги ифодаси ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти» деб номланган асарда мамлакатнинг буюклигини иқтисодий қудрат таъминлайди, деб таъкидланган бўлиб, китоб факт ва рақамларга бой, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, республика иқтисодиётидаги қишлоқ хўжалиги тармоғида энг сўнгги ўзгаришлар ва ютуқлар ҳақида атрофлича маълумот беради. (Н. Тўхлиев, 1998 йил).

А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар ўз рисолаларида бозор иқтисодиётининг моҳияти, унинг қонунлари ва ҳаракатга келтирувчи омиллари, бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти, унинг фарқлари, бурчлари, принциплари, тадбиркорликнинг асосий ахлоқий талаблари баён этилган. Шунингдек, фирма (корхона) фаолияти, корхоналар турлари, белгилари, корхонанинг фонди ва харажатлари, маркетинг ва менежмент тўғрисида тушунчалари изоҳлаб берилган. (А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев. 1995 йил).

Ғ.А.Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Б.Рустамоваларнинг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш» (2005) дарслигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик таъминоти ва механизмлари ўз ифодасини топган.

«Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши» номли асар бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш назарияси ва амалиётига бағишланган бўлиб, унда миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, бозор иқтисодиётига амал қилиш механизми, мавжуд

ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари ёритилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодий ривожланиш макроўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини солиқлар орқали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган (Т. Рахмонова, 1996 йил).

Р.Х.Пўлатованинг «Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш» (2006 йил). Ушбу ўқув қўлланма ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, талаб ва таклиф асосида шаклланган хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятидан кенгроқ фойдаланиш, амалда қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ушбу масалаларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганишга бағишланган.

Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятлари, жаҳон бозори ва халқаро валюта кредит муносабатлари, жаҳоншумул муаммолар ва иқтисодий ўсиш каби масалалар ёритилган. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни четга сотиш муаммоларига тўхталмаган ва уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилмаган (Т.Жўраев. 1996 йил).

Иқтисодий билимга эга бўлиш ҳар бир шахснинг аввало ўзига керакдир. Айниқса, иқтисодий соҳалар билан иш кўраётган шахслар учун ушбу рисола қўлланма сифатида фойдаланилади. Рисолада баён этилган иқтисодий атама ва терминлар, мисоллар ўрганувчининг тез ўрганишини таъминлайди. Иқтисодий билим асосларини ўрганиш орқали биз иқтисодиёт тўғрисида тўла маълумотга эга бўламиз. (Аграр соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш муоммолари ва ечимлари. 2002 йил.)

С.Абдусатторовнинг «Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар»

асарида Ўзбекистон Республикасида бўлаётган барча иқтисодий ислохотлар иқтисодиётимизда фаол қатнашиб келаётган тармоқлар тўғрисида ушбу рисолада келтирилиб ўтилади. Бу рисола орқали республикамизнинг имкониятини қай даражадалигини билиб олсак, иқтисодиётимиз тўғрисида ҳам, бир қанча маълумотларга эга бўламиз. Ушбу рисола вақт ўтган сайин ўз қийматини йўқотиб боради. Чунки, республика миқёсида иқтисодиёт тез-тез ўзгариб бормоқда, янги-янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир инсон кишилиқ жамиятида яшар экан, у чуқур иқтисодий билимга эга бўлиши керакдир. Кишиларни иқтисодий билимини оширишда ва кўпгина иқтисодий муаммоларини топишда ушбу асар жуда қўл келади (С.Абдусатторов, 1999 йил).

I Боб. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда аграр секторининг аҳамияти

1.1. Бозор муносабатлари шароитида аграр секторни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари

Аграр соҳа Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги бозори учун зарур бўлган барча турдаги озиқ- овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат маҳсулотларининг кафолатли бозори ҳамдир. Шу сабабли, аграр соҳада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва чуқурлаштиришда тармоқни барқарор ривожланишини таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Аграр соҳани ислох қилиш стратегияси, унинг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодиётнинг институционал ва ташкилий тузилмаларини қайта қуриш орқали амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб қилмоқда”Республикаимиз аграр соҳасида олиб борилаётган институционал ўзгаришлар натижасида бозор институтларини шакллантиришга эришилди.

Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш йўллари танлаш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Аграр соҳада муҳим институционал ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб ва давомли жараёндир. Бозор иқтисодиёти шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, авваламбор, амалий тажрибанинг етишмаслиги натижасида қатор муаммолар, камчиликлар ҳамда номутаносибликлар мавжуд бўлиб, улар

бевосита чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни ва назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади Шунинг учун ҳам институционал ўзгаришларни назарий жиҳатларини ўрганиш бугунги кунда муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Инсоннинг, хўжалик субъектларининг, бутун иқтисодиёт тизимининг, унинг бўғинлари ва қисмларининг ҳар қандай фаолияти самарадорлик нуқтаи назаридан, унинг қанчалик фойдали ва унумдор эканлиги бўйича баҳоланиши лозим. Бундай баҳо кейинги ривожланиш йўналишлари, уни амалга ошириш, яъни қўйилган мақсад ва вазифаларга атроф-муҳит учун энг кам зарар билан, инсон меҳнати ва ресурслар энг кам харажатлари билан эришиш усуллари ва воситаларини тўғри танлаш учун зарур. Ҳар қандай шароитларда ҳам унумдорликнинг энг самарали йўллари топиш мақсадида инсон ўз фаолиятига баҳо бериши лозим.

Дунё деҳқончилик цивилизацияси томонидан жамғарилган аграр ислохотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиётининг қарор топиши – энг аввало унинг амал қилишини таъминловчи институтларни яратиш демакдир.

Институтларнинг қандай ишлаётганлиги, нима учун улар асрлар давомида мавжуд бўлиши ва ривожланиши, уларнинг “ҳаётийлиги” ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келадиган сабабларни ўрганиб чиқиш лозим. Т.Вебленнинг фикрича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик ҳисобланади.

XX асрнинг 80 йилларигача истеъмол товарларининг асосий қисми мамлакат ташқарисидан келтирилган. Бундай ҳолатни юзага келтирган асосий сабаблари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилиги ва иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий усуллари ташкил этганлигидир.

Аграр соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлар натижасида мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда фермер

хўжаликларининг улуши 2000 йилдаги 5,1 фоиздан 2010 йилда 35 фоизга ортган ҳолда, деҳқон хўжаликларининг улуши 66 фоиздан 62,9 фоизга камайди, қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши 28,9 фоиздан 2,1 фоизга тушди.

1.1-жадвал

Мамлакатимизда мева етиштириш динамикаси ва уларда хўжаликлар улуши

Кўрсаткичлар		2001 йил		2006 йил		2011 йил		2013 йил	
		Минг тонна	Улуши % да	Минг тонна	Улуши % да	Минг тонна	Улуши % да	Минг тонна	Улуши % да
Мева	Ялпи маҳсулот	790,6	100	949,3	100	1710,3	100	1871,1	100
	Фермер хўж.	62,3	7,88	175,5	18,49	816,4	47,73	890,3	47,58
	Деҳқон хўж.	437	55,27	566,5	59,68	875,4	51,18	956,7	51,13

2005 йилда фермерларни бирлаштириб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи фермер хўжаликлари уюшмасини ташкил топиши натижасида фермер хўжаликлари деҳқон хўжаликларидан ажратиб қўйилди. Бугунги кунда деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги мавжуд имкониятлари ва салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти. Уларнинг аҳволи алоҳида ёндошувни ва уларга нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган тегишли қарорларнинг қабул қилинишини тақозо этади. Яъни, кўп қиррали фаолиятини самарали амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида республика, вилоят, туман даражасидаги деҳқон хўжаликларининг нодавлат, нотижорат уюшмасини ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2013 йил январ- декабр ойларида мамлакатда 30849,4 млрд. сўм миқдоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Ўсиш 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизни ташкил этди. Бунда деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми 18452,5 млрд. сўмга, чорвачилик маҳсулотлари миқдори

эса 12396,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Унга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида деҳқон хўжаликлари улуши 64,0 фоиз, фермер хўжаликлари ҳиссаси 34,0 фоиз, аграр корхоналари улуши эса 2,0 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2013 йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида деҳқончилик улуши 59,8 фоиздан иборат бўлди. 2012 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 58,1 фоизни ташкил қилган эди. Ҳисобот даврида 2260,9 минг тонна мева ва резаворлар йиғиб олинган.

Институционал ўзгаришларни амалга оширишда барча соҳаларни эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди. Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалигининг мамлакатимизда тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда кўп жараёнлар эркинлаштиришнинг ушбу соҳада қандай амалга оширилаётганлигига боғлиқдир. Ҳозирги вақтда, яъни иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрни, шаклланган иқтисодий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболининг икки вариантини тавсия қилиш мумкин, яъни биринчи вариант ҳозирги амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигидаги бозор механизмини жорий этишга қаратилган институционал ўзгаришларни давом эттириш сиёсати бўлган инерцион вариантдир. Бу вариантда давлатнинг асосий фаолияти институционал ўзгаришларни давом эттиришга, янги хўжалик шакллари ички муносабатларини бозор тамойилларига мос ривожлантиришга молия-кредит муносабатларини такомиллаштиришга, ернинг унумдорлигини тиклаш ва ердан фойдаланиш тизимини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат ва бошқа тармоқлар ўртасида нархлар мутаносиблигини ҳал қилишда қишлоқ у1093 хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инфратузилма мажмуасининг фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим.

Иккинчи вариант — экспортга йўналтирилган аграр тармоқни шакллантиришга қаратилган мобилизацион вариант бўлиб, унинг асосий

хусусияти қишлоқ хўжалигини модернизациялашни ва давлат томонидан тартибга солиш даражасини қисқартиришни назарда тутди. Бу жараён давлат буюртмасини бекор қилиш, нархни тўлиқ эркинлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни тўлиқ хусусийлаштириш, аграр тармоқда рақобат муҳитига асосланган аграр бозорни шакллантиришдан иборат.

Аграр соҳада институционал ўзгаришларни самарадорлигини ошириш, барқарор ривожланишини таъминлаш ва модернизация қилиш бўйича тармоқни давлат томонидан тартибга солиш учун “Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш лозим. Бу қонун барча даражадаги давлат структураларининг қишлоқ хўжалигига нисбатан вазифаларини акс эттириши;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш иқтисодий фаолиятига асоссиз аралашиб қўйиладиган тўсиқлар шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятларини бозор тамойиллари асосида амалга оширишлари учун имкон яратиши; қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг иқтисодиётдаги бошқа тармоқларнинг фаолияти билан уйғунлаштиришга; шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг самарадорлигини ҳамда ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиши керак.

Жамият ривожланиши билан мавжуд институтлар ва улар негизини ташкил этувчи расмий ва норасмий қоидалар ҳам ўзгариб такомиллашиб боради. Расмий қоидалар ва норасмий нормаларнинг мувофиқлаштирилиши жамиятда муҳим роль ўйнайди, чунки институтлар мавжуд тизими фаолият кўрсатишининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Бундай ўзгаришларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитлар белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойиши шу каби масалаларнинг ечимини топиш мақсадида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан амалга

оширилган мақбуллаштириш жараёнида республикамиздаги фермер хўжаликлари сони 2013 йилда 2009 йилдагига нисбатан 70 фоизга қисқарди.

Бунда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонлари 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кенгайди.

Институционал ўзгаришлар натижасида аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислохоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини жорий этишга йўналтирилган. Бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва жадаллаштиришни ҳар томонлама кўллаб қувватлаш лозим бўлган навбатдаги - энг муҳим устувор вазифа сифатида эътибор қаратилганлиги боис, фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида бунги кунда фермер хўжаликларига турли хизматлар кўрсатиш Аграр соҳада институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг самарадорлигини ошириш, фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг муваффақиятли ривожланиши ва такомиллашуви учун қуйидаги қўшимча институтционал чораларни куриш мумкин: қишлоқда кооперативлар ҳаракатининг ривожини нафақат ишлаб чиқаришни, балки маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишни, ишлаб чиқариш – техник хизмат кўрсатишни, молия – кредит фаолиятини қамраб оладиган даражага кўтариш;

аграр соҳа тармоқларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, соҳа мутахассисларини малакасини ошириш мақсадида, қайта тайёрлаш тадбирларини мунтазам равишда амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб

этади.

1.2. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг роли.

Барча ишлаб чиқариш соҳалари ичидан қишлоқ хўжалиги энг кўхнасидир. Бизнинг эрамизга қадар 2 минг йиллар муқаддам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпчилик турлари етиштирилган. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти боқишда ва кишилиқ жамиятининг ривожланишида қатта рол уйнаган. Хозирги кунда ҳам у ўз вазифасини бажариб келмоқда. Аҳоли учун озиқ-овқат, саноат тармоқлари учун эса хилма-хил қиматбаҳо хом ашё, ташқи савдо учун эса турли-туман хом ашё ва товарлар етказиб бериш, республика иқтисодиётида у энг муҳим ва йириқ тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқининг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозир аҳоли эҳтиёжини қондирадиган товарнинг 84 фоиздан қопроғи бу тармоқ зиммасига туғри келади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатда етиштириладиган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бирини ишлаб чиқаради.

Республикада аҳолининг қуп қисми қишлоқда яшаб, у жами аҳоли сонининг 62,5 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 26 га тенг бўлиб,бу курсатқич қишлоқ хўжалигида 23,3 ешни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 4 млн.га яқин меҳнат ресурси банд бўлиб, мамлакатда билан банд бўлган аҳолининг 43,7 фоизига тенгдир. Ўзбекистон табиий-иқлим ва тупроқ жиҳатидан ҳам деҳқончилик қилиш учун қулай жойга жойлашган. Унда йиллик қуёшли кунлар-3000 соатдан ортиқроқ бўлиб,бир йилда 3 марта ҳосил олиш имқониятини беради. Ўзбекистонда 1,4 млн. тонна ҳаридоргир пахта толаси ишлаб чиқарилади, 6 млн.тоннадан ортиқ дон 5млн. тонна ширин-шақар мева ва сабзавот, қоплаб пилла, қоракўл териси ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Ўзбекистон пахтаси, қоракўл териси, пилласи, полиз узум маҳсулотлари билан жаҳонга ўз шухратини ёймоқда. Хозир пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонга бешинчи ўринни(Хитой, АҚШ. Хиндистон, Покистон), пахта толаси экспорт

қилиш жиҳатидан 2-ўринни егалаб қелмоқда. Келажакда Ўзбекистондаги тоғолди зоналарида боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлар фақат мамлакат ички талабини қондирибгина қолмасдан жаҳон бозорида ҳам ўз салоҳиётини қўз-қўз қилади. Ўзбекистон чорвачилиқнинг қадимдан ривожланган ватанидир. Ўзбекистон табиий иқлим, тупроқ шароитлари ўсимличиликни ривожлантиришга қанчалик қулай бўлган бўлса, чорвачилик учун ҳам шунча қулайдир. Унда суғариладиган ерларда қорамолчилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, чўчқачилик, дашт, чўл ва тоғолди яйловларда қуйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик ва сув хавзаларида эса балиқчилик, мўйначилик хайвонлари боқилади. Ўзбекистоннинг чўл зоналарида чорва молларини йил мобайнида боқиш учун жуда қулайдир. Чорва моллари озуқа базасини яратиш мақсадида 7,7 фоиз қишлоқ хўжалик ерлари ажратилган. Унда йилига 10 млн. тонна пичан ва силос тайёрланади. Мамлакат корхоналарида чиқинди кўринишида олинадиган кунжара, шулха, аралаш ем ва бошқа турдаги чиқиндилар чорва молларини талаб даражасида боқиш ва ривожлантириш имкониятини яратди.

Ўзбекистон 44,7 млн. гектар ер фондига эга бўлиб, ундан фақат 4 млн.гектаригина деҳқончилик қилишга ярайдиган ерлардир. Ўзбекистонда ҳар 100 гектар ер заҳарасидан фақат 7 гектори деҳқончилика ривожлантириш муамоларини анча қийинлаштиришга сабабчи бўлиб.

Ўзбекистон иссиқ, зонага бўлиб, суғарилиб деҳқончилик қилинадиган мамлакатлар қаторига киради. Бу эса мамлакатда сувга бўлган талабни мунтазам ошиб бориши заруриятини келтириб чиқаради. Ундаги сув захираси сувга бўлган талабни 60 фоизидагина таъминлай олади, айрим йиллари ундан ҳам камайиб кетади. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши даржасига салбий таъсир этади. Ҳозирги вақтда мамлакатда 53 сув омбори ва 75 тадан ортиқ каналлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ташқи иқтисодий алоқалар жараёнида салмоқли ўрин эгалламақда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги четдан пахта толаси, озиқ-овқат товарлари, қоракўл териси, қуруқ мева, ҳар хил ичимликлар, тери, пилла, доривор

ўсимликлар, асал ва ва бошқа турдаги маҳсулотлар чиқармоқда. Четга ҳам асл кўринишида чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва миқдори жиҳатидан камайиб бормоқда. Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакат ичида қайта ишланиб истеъмолга яроқли товарлар сифатида жаҳон бозорига чиқарилмоқда. Эндиликда Ўзбекистон четдан камроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олмақда. 1990 йил Ўзбекистон ҳудудида четдан 3,8 млн. тонна дон маҳсулотлари киритилган бўлса ҳозирда тўлиқ дон мустақиллигига эришилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника базасини тубдан ўзгармоқда. У ҳозир жаҳондаги энг янги ва самарали ҳисобланган тракторлар, автомашиналар, камбайнлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминланмоқда Техникадан унумли фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг энг илғор усуллари қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш мақсадида чет эл инвестициялари кўплаб жалб қилинмоқда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор усуллар қўлланилмоқда, чет эл тажрибалари кенг кўламда ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Оқибатда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил, чорва молларидан эса жаҳон андозалари даражасига мос келадиган миқдорда маҳсулотлар олиш имконияти яратилмақда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда чет эллик ҳамкорлар сони ортиб, қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

-Мамлакатнинг суверинитети, мутақиллиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий мустақиллиги билан белгиланади. Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминламасдан туриб, ижтимоий ёки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмас.

- Озиқ-овқат хавфсизлиги муамосини ҳар томонлама ҳал этилиши мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлаш

- Овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш орқали пировардт натижада ҳар қандай давлат мустақиллиги ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

- Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эҳтиёжларни ўз ҳисобига қаноатлантириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мана шундай ҳаётий муҳим вазифани мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоғи бўлган агросаноат мажмуаси амалга оширади.

- Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилади

- биринчидан қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенайтириш ва янгиларини ажратиб бериш амалга оширилади

- иккинчидан, қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш йшлга қўйилган

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат макроиқтисодий барқарорликни таъминтлаш, монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини сал бий таъсир этув чи ташқи ва ички омилларни бартараф этиш, ижтимоий инфратузилмани тақамиллашлтириш, экспортни рағбатлантириш импортни муқобиллаштириш, солиққа тортишда имтиёзлар бериш, молия-кредит механизмларини ривожлантириш каби масалаларни алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1.2-жадвал**Республика бўйича қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб
чиқариш кўрсаткичлари**

Ма ҳсулотлар	Ўлчов бирлиги	2008	2009	2010	2013
Буғдой	Минг тонна	6730,4	6214,7	6639,8	6840,8
Сабзавот	Минг тонна	6346,4	5217,4	5704,7	8515,9
Картотшка	Минг тонна	1692,9	1398,7	1524,5	2250,4
Полиз	Минг тонна	1182,4	981,2	1071,0	1558,0
Мева	Минг тонна	1710,3	1402,8	1542,9	2260,9
Узум	Минг тонна	987,3	791	899,6	1322,1
Гўшт	Минг тонна	1461,4	1288	1367,7	1787,5
Сут	Минг тонна	6168,9	5426,3	5779,0	7884,7
Тухум	Млн. дона	3058,8	2429,0	2715,9	4379,1

Хулоса қилиб айтганда. Йилдан-йилга етиштирилаётган ялпи ички маҳсулотлар миқдори кўпаймоқда, унинг жон бошига тўғри келадиган ҳиссаси эса ортмоқда. Унинг жаҳон бозоридаги мавқеи, салоҳияти ошмоқда. Оқибатда унинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда.

II. боб Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжаликларида тутган ўрни

2.1. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг барча жабхаларида фермер хўжаликлари иқтисодий жihatдан энг самарали хўжалик юритиш шакли эканлиги ўз исботини топди. Мазкур масалага Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари асарида алоҳида тўхталиб «Хозирги вақтда фэрмэр хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бэрмоқда» деб таъкидлаганлар. Жумладан, фермер хўжаликларига зарур бўлган барча иқтисодий шарт-шароитлар яратилди ва уларни эркин фаолият кўрсатишлари учун барча меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқда хўжалик юритишнинг устивор шаклига айланди. Бугунги кунда амалдаги фэрмэр хўжаликлари аграр тармоқда этакчи бўгин – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий куч бўлиб ҳисобланади.

Республикада фермер хўжаликларини мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида расман тан олиш ва фаол шакллантириш жараёни 1991 йилнинг охирларидан бошланди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, хусусий мулк ва шахс манфаатларининг устувор ривожланишини таъминлаш мақсадида 1991 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 295-сонли «Республикада деҳқон (фер мер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу фармоннинг қабул қилиниши рес публикада фермер хўжаликларини бозор шароитида шаклланиб келаётган хўжалик юритишининг янги шакли сифатида ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Фармонда фермер хўжаликларини шакллантириш

мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилди.

Дастлабки ташкил этилган фермер хўжаликлари асосан республика ҳукумати томонидан ажратилган давлат ер фонди базасида, захирадаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган, янги суғориладиган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кам унумли, фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида шакллантирилган. Бунда юридик шахс ҳукуки билан ташкил этилган мустақил деҳқон(фермер) хўжаликлари билан бир қаторда жамоа(ширкат) хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг таркибида ички ижара шартномаси асосида (юридик шахс мақомига, мустақил баланс ва банкларда ҳисоб рақамига эга бўлмасдан) тўзилган деҳқон хўжаликлари ҳам шаклланиб борди.

Фермер хўжалиги номланишида баъзан «деҳқон хўжалиги» ёки «фермер хўжалиги», кўп ҳолларда эса «деҳқон (фермер) хўжалиги» деган атамалар ишлатиб келинди. «Фермер хўжалиги» деганда кўпроқ чорвачилик йўналишидаги хусусий хўжаликлар назарда тутилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг фаол кириб бориши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан фермер хўжаликларининг янги ижтимоий-иқтисодий уклад сифатида моҳиятини аниқлаштириш, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини теранлаштириш ҳамда ҳукукий мақомини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниши билан фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фарқли томонларини аниқ белгилаб берилди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалиги

корхоналари таркибида юридик шахс мақомини олмай ички хўжалик шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида расман тан олинмайдиган бўлди. Фақатгина ўз мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамига эга ҳамда мустақил юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган деҳқон хўжаликлари фермер хўжалиги мақомини олди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан барча мустақил ва мустақил бўлмаган деҳқон хўжаликлари аттестациядан ўтказилиб, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун талабларига мос ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 1-бандида: "Фермер хўжалиги ўзига ўзоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир», - деб белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонида мувофиқ Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг ғоят муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг етакчи бўғини ва шакли сифатида фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш;

фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш

ташкilotлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш белгилаб берилган.

Фермер хўжалиги уни тўзаётган аъзолар ҳоҳишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғилланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкый эгаллик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этишидадир. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шаклларида бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, бунни қуйидаги чизмада яққолроқ кўриш мумкин.

Фермер хўжалигини юритишдан кўзда тутилган мақсад, фермер манфаати томонидан туриб ёндашсақ ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа кўп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий

фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

1.1-жадвал

1.	Ижтимоий психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланғич бўғини – оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик; хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий - ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиш шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши жиҳатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулкий муносабатлар жиҳатидан	Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; Ер майдони узоқ муддатли ижарага (энг камида 10 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини қолдириш мумкин
6.	Хўжалик юретиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жиҳатидан	Хўжалик юретиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг қуйи чегараси: - ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашганда камида 10 гектар; - боғдорчилик, узумчилик ва сабзавот-полизчиликда камида 1 гектар; - чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли булган тақдирда ҳар бир шартла бош мол учун вилоятлар ва ҳудудларга қараб 0,3 - 0,45

Фермер хўжаликларини қишлоқда иқтисодий жихатдан бақувват хўжалик юритиш шаклига айлантириш ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хар бир фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги охир-оқибатда унинг иқтисодий самарадорлиги асосида шаклланади. Бу соҳада иқтисодий самарадорликнинг якунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган рентабелликнинг тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс даражада юқоридир. Шу асосда фермер хўжаликларида фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 30-35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш лозим бўлади. Бу жараён охир-оқибатда фермер хўжаликлари фаолиятига янги техника ва технологияларни жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хўжалиги аъзолари ўз хоҳишлари, манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб хўжаликни ташкил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва ўзлаштириш, бошқа хўжаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустақил равишда амалга оширадилар. Қисқача қилиб айтганда фермерлар тўлиқ танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

2) Фермер хўжалигида мулк эгалиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хўжалигидаги мол-мулк шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкнинг яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага,

ижа ра муддатида ижара ҳуқуқини мерос килиб қолдириш билан берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнаткаш, юқори фойда олишни кўзлаб ўз мол-мулкни таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда жонли организмлар билан боғлиқ ҳолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий жавобгарлик ҳисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини кўрсатади. Фермер фақат унинг ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятлари ва маҳоратини тўлалигича намоён эта олади.

5) Фермер хўжалигини асосини жамиятнинг бошланғич бўғини - оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан қўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига бўлган ишончи юқорилиги сабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлиги йўлида виждонан ва сифатли меҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини кадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жа вобгарлик ҳислатларига мослашади.

Фермер хўжалиги ўзига хос маънавий ва ахлоқий қадриятлар давомчиси ҳамдир. Фермернинг оилавий турмушида ўзи яшаётган ердаги маҳаллий аҳолининг урф - одатлари, маънавий қадриятлари бевосита ўз ифодасини топади. Хўжалик юритишнинг бу шакли ўзига хос меҳнат ва тарбия мактаби ҳам бўлиб, бунда минглаб йиллардан бери аجدодларимиз томонидан тўпланган меҳнат тажрибалари ва кўникмалари, ерга ва табиатга муҳаббат ҳисси ҳамда энг яхши

миллий анъаналар мустаҳкамланиб авлоддан-авлодга ўтказиб борилади.

6) Фермер хўжалиги қисман бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мулкчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

7) Фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ, хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш мўлжалланган.

8) Ҳар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири турли мулк шаклларига асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, соғлом рақобат кураши вужудга келиши учун жамиятда мулк шакллариининг хилма-хиллигини таъминлаш зарур.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги хўжалик юритиш шакллари орасида деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкый жавобгарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиқ ва соғлом рақобат

асосида ривожланиб боришига асосланади. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларига эгалик қилишига, ўзига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишига, ерга бўлган эгалик ҳиссига кўра, яъни мустақил хўжалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади.

Республика ҳукуматининг бир қатор қарорларида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўладиган деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган.

Бутун дунё тажрибаси бозор учун, яъни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи деҳқон, фермер хўжаликларининг афзаллигини кўрсатмоқда, чунки деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқарувчи, яъни фермернинг мақсад ва вазифалари натижа билан узвий боғланган.

“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март, 2012 йил Шу маънода мамлакатимизда эришилган охирги 10 йил давомида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичи 5,9 %га ўсди, яъни 2010 йили қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш 106,8 %га етди, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2010 йили 17,5 %ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 59,4 %ни деҳқончилик маҳсулотлари ва 40,6 % чорвачилик маҳсулотларини ташкил этди.

Юқорида келтирилган фермер хўжаликларига ҳос бу хусусият -республикамизнинг аграр соҳасида уларнинг хўжалик юритишнинг энг самарали шаклларида бири сифатида мустаҳкам ҳрин эгаллаётганлигини кўрсатади.

2.2. Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг аҳамияти

Ҳар қандай бозор фаолият кўрсатишининг ташкилий-иқтисодий шароитлари у ёки бу даврда амал қилган ижтимоий-иқтисодий тизимлар билан белгиланади. Масалан, ислохотлардан олдинги даврда ташкилий-иқтисодий шароитлар ўша пайтларда ҳукмронлик қилган маъмурий-буйруқбозлик ва марказлашган-режа тизими билан белгиланган бўлиб, унга кўра иқтисодий негизни ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий социалистик мулк ва ишлаб чиқариш ходимларининг жамоавий меҳнати ташкил қилган. Шунга мувофиқ ходимларнинг шахсий моддий манфаатдорлигини доим ҳам ҳисобга олмаган меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг жамоат шакллари ташкил этилган. Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг жамоат шакллари меҳнат тақсимотининг иқтисодий афзалликларидан фойдаланиш, фан ва техника ютуқлари, илғор технологияларни жорий қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш учун шароитлар яратади. Бироқ улар жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда кучли ҳаракатлантирувчи куч бўлган шахсий иқтисодий манфаатлардан фойдаланиш учун ҳеч қандай шароит яратмади. Бу дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг социалистик тамойилларидан бозор шакллари фойдасига воз кечишнинг асосий сабабларидан бирига айланди.

Жамият ривожланишининг мазкур босқичида дунёнинг кўплаб мамлакатларида хўжалик юритишнинг турли манфаатларни яхшироқ уйғунлаштирадиган ва меҳнат фаолияти натижасида кўпроқ иқтисодий самара олишга имкон берадиган бозор тамойиллари тан олинди.

Мевачилик маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатишининг ташкилий-иқтисодий шароитлари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг айрим ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда умумий меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга амал қилиб, бошқа барча хўжалик субъектлари билан

биргаликда шакллантирилди.

Мевачилик комплекси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини шакллантиришда, худди бутун агросаноат комплексида бўлгани каби, ерга эгалик масаласи энг муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ «ер, фойдали қазилмалар, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, оқилона фойдаланилиши лозим ва давлат томонидан қўриқланади»⁵ деб баён этилган.

Қишлоқ жойларда самарали ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма яратиш масалаларига яқин вақтларгача етарли эътибор қаратилмаган. Кўпроқ яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришгина эмас, балки уни яқини истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам муҳим, бунинг учун машина-техника пунктлари ва станциялари, транспорт воситалари, омборхоналар, қайта ишлаш корхоналари ва бошқалардан иборат бўлган инфратузилма бўлинмалари ривожланган тармоғи зарур.

Олиб борилган илмий таҳлилларимиз кўрсатишича, деҳқон хўжаликлари ва боғ-томорқа хўжаликлари учун юқори сифатли уруғлик материали, мева кўчатлари билан таъминлаш асосий муаммо ҳисобланади. Ҳозирги пайтгача бу муаммо асосан ўзини-ўзи таъминлаш йўли билан ҳал этиб келинган, бу эса яқка тартибдаги мевачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни юқори сифатли олий нав мева кўчатлари билан таъминлашга таъсир кўрсатган. Бунда мазкур иш мевачилик майдонларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

Мева-сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик ва картошкачиликни ривожлантириш ва соҳани 2015 йилда модернизация қилиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади .

Боғдорчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида пакана ва ярим пакана мевали кўчатларни кўпайтириш учун жами 1,6 млн. дона пайвантаг олиб келинди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2003 йил 19 б.

Маълумот учун, Самарқанд вилояти “Лаззат -мева” ва “Оқтош-мева” қўшма корхоналарига 800 минг дона, Тошкент вилояти “Миришкор Сайфутдинова Хонзода” ф/х 400 минг дона, “Мева- Шарбат” боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий -ишлаб чиқариш корпорациясига 400 минг дона пайвантаг олиб келинди. Бунинг натижасида, 2013 йил кузда 4 млн.дона, 2014 йил 8 млн.дона, 2015 йил 16 млн. дона қўчатлар тайёрланади. Қўчатлар четдан сотиб олинса, 1 дона қўчат нархи 7 минг сўм бўлганда жами 217 млрд.сўм маблағ сарфланади. Республикада ушбу қўчатлар етиштирилганда 1 дона қўчат нархи 2,5 минг сўмдан бўлганда жами 78 млрд.сўмга тушади ва 139 млрд.сўм маблағлар тежалади, валюта сарflanмайди ҳамда қўшимча ишчи ўринлар яратилади.

Қиш ва баҳор ойларида, аҳолини мева маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида Хитой усулида, яъни иситиш воситаларисиз иссиқхоналар ташкил этиб, уларда мева етиштириш ва тувакларда мева қўчатларини ўстириб мева етиштиришни йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб -қувватлаш, ишлаб чиқарувчилар учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиш борасидаги ишлар корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу экин, қоидага кўра, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва талабларга эга бўлган навларнинг хилма-хиллиги билан тавсифланади. Ишлаб чиқарувчиларга юқори даромадни таъминловчи, табиий-иқлим шароитлари ва истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда навларни тўғри танлаш ихтисослашган уруғчилик хўжаликлари ташкил этишда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликда ер, унинг сифати ва маҳсулдорлиги муҳим (алоҳида) ўрин эгаллайди. Маълумки, қишлоқ хўжалигида ер бир вақтнинг ўзида меҳнат куроли ва предмети, асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ушбу асосий воситасига

етарли миқдорда эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат ер қўмитасининг маълумотларига кўра, 2012 йилда барча қишлоқ хўжалик ерларининг умумий майдони 25,7 млн. гектарни ташкил этди, бу бир кишига тахминан 1 гектар ер тўғри келади дегани. Ердан оқилона фойдаланиш учун ер майдонларининг бундай чекланганлиги суғориш учун зарур бўлган сув ресурсларининг тақчиллиги билан боғлиқ. Бу ҳолат мевачилик маҳсулотлари комплексининг шаклланишида, кўшимча майдонларни жалб қилиш ҳисобига унинг ривожланишида ўз аксини қолдиради.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий омиллари тарихан умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда узоқ вақт давомида шаклланади. Хўжалик юритишнинг бозор тамойилларига ўтиш мевачилик маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатишининг амалдаги ташкилий-иқтисодий шароитларига ўз таъсирини кўрсатди. Улар фаолият кўрсатувчи асосий шаклга айланган фермер хўжаликлари ширкат корхоналари ва нисбатан йирик якка тартибдаги деҳқон хўжаликларини ислоҳ қилиш асосида ташкил қилинган ва жадал ташкил қилишда давом этмоқда. Уларнинг сони доимий ўсиб бормоқда ва 2001 йилда 55,4 минг хўжаликка қарши 2008 йилнинг 1 январь ҳолатида 215 минг хўжаликка етди⁶. Лекин 2009 йилдан йириклаштирилиб 104,2 мингтагача етказилди.

2007 йил фермер хўжаликларида 1,6 млн. киши меҳнат қилган бўлиб, бу хўжаликларга қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ер майдонларининг 85 фоизга яқини бириктириб қўйилган эди. 2013 йилга келиб Республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб 98 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликларининг улушига тўғри келди.

Мевачилик комплексида хўжалик юритишнинг фермерлик шакллари кенг тарқалганлиги кўплаб омиллар билан асосланади, хусусан, улар шахсий ва жамият манфаатларининг уйғунлашувини энг яхши таъминлайди, ходимлар меҳнати ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиш, замонавий моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратади.

Дехқон хўжаликлари, қоидага кўра, ўз фаолиятини оила аъзоларининг меҳнатидан фойдаланиш асосида амалга оширади ва аввало, ўз эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаради. Шахсий эҳтиёжлар қондирилгандан сўнг қолган ортиқча маҳсулот бозорга келиб тушади ва товар-пул муносабатлари объектларини ифодалайди.

Қишлоқ жойларда меҳнатни қўллашнинг асосий соҳаси катта ҳудудий маконни қамраб оладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳисобланади. Шу сабабли якка тартибдаги дехқон хўжаликларида бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш қишлоқ аҳолисини янги мева, узум ва сабзавотлар билан таъминлашни ташкил қилишнинг қулай шаклига айланган.

Айнан шу сабабдан Ўзбекистонда дехқон хўжаликлари ҳали узоқ вақт мевачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий шакли бўлиб қолаверади. Бироқ жамиятнинг, фан ва техниканинг янада ривожланиши билан хўжалик юритишнинг бу шакли мевачилик комплексининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулайроқ шароитлар яратадиган бошқа шакллارга ўрнини бўшатиб беради. Бу жараён: а) дехқон хўжаликларини мустақил фермер хўжаликларига айлантириш; б) дехқон хўжаликлари асосида акциядорлик жамиятлари, бирлашмалари шаклидаги корпоратив корхоналар шакллантириш; в) қишлоқ аҳолисини мевачилик комплексининг зарур маҳсулотлари билан ўз ишлаб чиқаришига нисбатан иқтисодий жиҳатдан манфаатлироқ таъминлашни такомиллаштириш йўли билан рўй беради.

Бундан ташқари, якка тартибдаги кичик дехқон хўжаликлари шароитларида мевачилик маҳсулотларини сақлаш, транспорт воситасида ташиш, истеъмолчиларнинг сўровлари бўйича ассортимент ва навларга саралаш ва гуруҳлашни оқилона ташкил қилиш зарур. Мевачилик маҳсулотларининг бир қисми йўқолиб қоладиган ва якуний истеъмолчиларга етиб бормайдиган ҳолатлар

тез-тез учраб туради.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик юритишнинг бу шакллари инфратузилмаси ривожланган минтақалар ва сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган тоғолди ҳудудлари энг истиқболли ҳисобланади, чунки улар ўзлари жойлашган ердан фойдаланиш ва тармоқларнинг оқилона уйғунлашувини таъминлайди. Улар қайта ишлаш корхоналарини ўз хомашё базаси асосида ривожлантириш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу тариқа аҳоли зич жойлашган минтақаларда муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Жамиятнинг ривожланиши билан истеъмол қилинаётган маҳсулотларга, жумладан, мевачилик маҳсулотларига талабининг ҳам ўсиши рўй бермоқда. Бу ўсиш истеъмол қилинаётган маҳсулот ассортименти янада кенгайтириш, унинг сифатини ошириш ва истеъмол муддатини узайтириш талаблари билан боғлиқ.

Мева маҳсулотлари истеъмолчилари талабни ҳосилни оммавий йиғиб олиш мавсумида янги кўринишдагина эмас, балки узоқ муддатли давр давомида ҳам тўлиқ қондиришни талаб қиладилар. Бу талабни моҳиятига кўра ишлаб чиқариш жараёнларининг давоми ҳисобланган мевачилик маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш асосида қондириш мумкин. Бунда ушбу босқич такрор ишлаб чиқариш жараёнида устунлик қила бошлайди ва мевачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабни қондиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Мева маҳсулотлари истеъмол вақтини бир хилда тақсимлаш нафақат иқтисодий аҳамиятга, балки инсон организмнинг ҳаёт фаолиятини соғлом ҳолатда таъминлаш бўйича зарур элементлар ва озиқ моддаларнинг келиб тушиши нуқта назаридан тиббий аҳамиятга ҳам эга. Маълумки, мева маҳсулотлари инсон организмига қимматли витаминлар ва бошқа моддалар етказиб берувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш етказиб берилаётган

маҳсулот ассортиментини бойитган ва истеъмолни қондириш муддатини узайтирган ҳолда айнан шунга хизмат қилади.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш қишлоқ хўжалик ва саноат меҳнатининг бирлашуви, у туфайли истеъмол қиймати юқори бўлган яхшиланган сифатли маҳсулот олинадиган синтез рўй берадиган умумий ишлаб чиқариш занжирида асосий бўғин ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу бўғининг фаолият кўрсатиши меҳнатдан фойдаланиш мавсумийлигини юмшатади ва агар саноат усулида қайта ишлаш корхоналари қишлоқ жойларда жойлашган бўлса, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлайди. Қишлоқ аҳолисининг кўплиги ва аҳоли табиий ўсишининг нисбатан юқори суръати кузатилаётган Ўзбекистон учун бу ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш кифоя: масалан, 2012 йилда Ўзбекистон аҳолиси умумий сони 351,1 минг кишига ёки 3,1 фоиз, жумладан, шаҳар аҳолиси – 89,5 минг киши ёки 0,9 фоиз, қишлоқ аҳолиси - 261,6 минг киши ёки 1,6 фоиз ўсган.

Шу ва бошқа статистик маълумотлар қишлоқ аҳолисининг бандлиги, ишга жойлаштириш ва муносиб турмуш даражасига эришиш учун барқарор даромадлар олишни таъминлаш масаласининг қанчалик долзарб эканлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзи ўсиб келаётган авлод учун иш тақдим этиш имкониятига эга эмас, чунки у шундоқ ҳам ишчи кучига тўлиб кетган ва меҳнат маҳсулдорлигини ошириш учун унинг маълумбир қисмини бўшатишга ҳаракат қилмоқда. Ортиқча ишчи кучи жонли меҳнат харажатларини қисқартиришга имкон берадиган илму-фан ютуқлари ва илғор технологияларни жорий қилишни секинлаштиради.

Қишлоқ жойларда саноат усулида қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиши меҳнат мавсумийлигини юмшатиш, ҳар бир ходимнинг иш вақти йиллик даромадидан энг тўлиқ фойдаланишни таъминлаш каби долзарб ижтимоий муаммони ҳал этишга имкон беради. Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб

чиқариши яққол ифодаланган мавсумий характерга эга бўлиб, унда иш даври йил давомида меҳнат ресурсларидан бир текисда фойдаланмаслик натижасида ишлаб чиқариш даврига мос келмайди, айрим пайтларда ишчи кучининг ўткир етишмаслиги, бошқа пайтларда эса – ортиқчалиги кузатилади. Бундан айниқса, вегетация даврида ишчи кучи камроқ талаб қилинадиган, ҳосилни йиғиб олиш мавсумида эса унинг етишмаслиги ўткир сезиладиган боғдорчилик ва узумчилик кўпроқ азият чекади.

Энг муҳими, келгусида мева маҳсулотларини саноат усулида ишлов бериш ва қайта ишлаш маҳсулот йўқотишларини қисқартириш, унинг сифатини яхшилаш ва сақлаш, қўшилган қиймат улушини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришида турли сабабларга кўра йўқотишлар кузатилади, уларнинг ҳажми ҳосилни йиғиб олиш, тайёрлаш, сақлаш ва транспорт воситасида ташиш жараёнида 20 фоизга етади ва ундан ортади. Маълумки, мева маҳсулотлари тез бузиладиган ва транспортда ташишга мослиги паст маҳсулотлар тоифасига киради.

Бу маҳсулотларни янги узилган кўринишда сақлаш музлатгичлар ва бошқа асбоб-ускуналар, қурилмалар ва ҳоказолар билан боғлиқ катта харажатларни талаб қилади. Саноат усулида қайта ишланган маҳсулотларни консерва, шарбат, вино ва ҳоказолар кўринишида сақлашни ташкил қилиш ва улар билан истеъмолчиларни узоқ вақт давомида таъминлаш анча осон. Шунингдек, янги узилган мевачилик маҳсулотларига нисбатан уларни ташиш ва сақлаш ҳам осонлашади. Бу хориж мамлакатларига экспортни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

2.1- жадвал

Вилоятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 2012 йилда қайта ишлаш кўрсаткичлари

Ҳудудлар	Мевалар		
	Ялпи ҳосил, минг тонна	Қайта ишлаш	Қайта ишлаш даражаси, %

		хажми, минг тонна	
Ўзбекистон Республикаси	1878,8	704,6	37,5
Қорақалпоғистон Республикаси	27,4	1,6	5,0
Андижон	396,9	59,9	15,1
Бухоро	163,5	9,3	5,7
Жиззах	61,6	37,0	60,1
Қашқадарё	80,6	32,6	40,5
Навоий	69,7	7,1	10,1
Наманган	138,1	69,5	50,3
Самарқанд	251,2	15,15	60,3
Сурхондарё	101,5	10,6	10,4
Сирдарё	21,3	1,9	8,7
Тошкент	162,7	81,8	50,3
Фарғона	276,9	112,9	40,8
Хоразм	127,3	19,5	15,3

Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш якуний маҳсулотнинг қийматини, демак, фаолият кўрсатишдан олинадиган даромад ҳажмини сезиларли оширишга имкон беради. Масалан, томат хомашёсини саноат усулида кетчупга қайта ишлашда маҳсулот қиймати тахминан 3-5 баравар, яшил олмани шарбатга қайта ишлашда – 2-4 баравар, узумни куруқ винога қайта ишлашда – 3-5 баравар ортади. Қийматнинг бундай ўсиши маҳсулотни тайёрлаш, транспорт воситасида ташиш саноат усулида қайта ишлаш, давлат бюджети ва пенсия фондида турли тўловлар билан, шунингдек, якуний маҳсулотни чакана савдо тармоғида сотиш харажатлари билан боғлиқ моддий воситалар ва меҳнат харажатларининг натижаси ҳисобланади. Якуний мева маҳсулотлари ялпи тушуми тахминан шундай тақсимланади: а) ишлаб чиқарувчилардан хомашё харид қилишга; б) маҳсулотни харид қилиш, сақлаш ва транспорт воситасида ташишга; в) саноат усулида қайта ишлаш корхоналарининг (консерва заводлари, вино заводлари ва бошқалар) харажатларига; г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга; д) савдо

ташкilotларининг харажатларини қоплашга; е) жамоавий истеъмол ва жамғарма фондлари ташкил қилишга.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари амалиётда асосий ички ишлаб чиқариш бўғинлари мустақил хўжалик бирликлари каби фаолият кўрсатиб, юридик шахс сифатида намоён бўладиган ва кредит муассасаларида ҳисоб-китоб счетларига эга бўлган корхоналар мавжуд. Мазкур ҳолатда хўжалик фаолияти самарадорлиги ҳар бир бўғин бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, фермер хўжаликларда мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш корхоналарининг фаолият кўрсатиши қуйидаги ҳолатлар: биринчидан, тез бузиладиган ва транспортда ташишга мослиги паст маҳсулотлар йўқотишни қисқартириш зарурати; иккинчидан, маҳсулот сифатининг сақланишини таъминлаш; учинчидан, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликларнинг маҳсулотларни транспорт воситасида ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини қисқартириш; тўртинчидан, аҳоли бандлигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадлари ўсиши ва ишсизлар билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши; бешинчидан, қишлоқ аҳолиси учун қулайликлар яратиш, яшаш жойига яқин меҳнат қилиш имконияти яратиш; олтинчидан, қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда мавсумийликни юмшатиш; еттинчидан, янги касблар, ходимлар малакасининг ўсиши, уларни ўзлаштириш; саккизинчидан, истеъмол бозорини кенг ассортиментдаги юқори сифатли маҳсулотлар билан тўйинтириш ва йил давомида одамларнинг уларга эҳтиёжини бир текисда қондириш; тўққизинчидан, бутун мевачилик комплексининг фаолият кўрсатиш умумий самарадорлигининг ўсишига кўмаклашиш; ўнинчидан, давлат бюджети ва бошқа фондларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар шаклидаги тушумларнинг ўсиши; ўн биринчидан, экспорт салоҳиятини кучайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва жаҳон бозорида мевачилик маҳсулотларини сотишнинг ўсиши ҳисобига валюта тушумларини ошириш билан асосланади.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг барчаси мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш зарурлигига шубҳа билдирмайди.

Мевачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган комплексли агросаноат фирмаларини шакллантириш комплекснинг барча бўғинлари ташкилий-технологик ўзаро алоқаларининг иқтисодий самарадорлиги ва қайта ишлаш корхоналарининг нав таркиби, сифат ва ассортиментига талабларини ҳисобга олиш зарурати билан изоҳланади. Консерва заводлари ва бошқа қайта ишлаш заводлари сабзавотлар, мева ва узум хомашёси сифатида эртапишар навлар, ассортимент, сифат, меваларнинг шакли, ҳажми ва бошқа белгилар бўйича бир хиллиги бўйича белгиланган стандартларни талаб қилади.

Ташкилий жиҳатдан тарқоқ ҳолдаги кўп сонли ишлаб чиқарувчилар, масалан, якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари ва кўп профили фермер хўжаликлари қайта ишлаш корхоналарининг бу талабларини бажара олмайди. Бу талаблар хомашё ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, консерва, шарбат ва ҳоказолар шаклида яқуний маҳсулотлар истеъмолчиларининг ҳам манфаатларини тўлароқ ҳисобга олувчи ихтисослашган агросаноат фирмалари томонидан яхшироқ ва самаралироқ бажарилиши мумкин.

Қайта ишлаш саноатининг ишлаши учун хомашё базаси дастлаб фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва хомашё сифатида мевачилик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси уларнинг зиммасига юклатилган давлат қишлоқ хўжалик корхоналари-совхозлар ва жамоа хўжаликлари-колхозлар шаклидаги йирик социалистик хўжаликлар кўринишида бўлган.

Бироқ иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш даврида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан социалистик қишлоқ хўжалик корхоналари дастлаб ширкат хўжаликларига, сўнгра фермер хўжаликларига айлантирилди.

Бу хомашё базаси ишончли фаолият кўрсатиши учун мевачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш зарур. Бу жараён бошлаб юборилган бўлиб, саноат усулида қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда уни давом эттириш ва такомиллаштириш зарур.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон яқин истикболда кичик бизнесни ташкил қилиш ва уни давлат томонидан, молиявий ва кредит муассасалари томонидан қўллаб-қувватлаш йўли билан қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда юқори даражага эришиш учун зарур шароитларга эга. Бу, аввало, кучли хомашё базаси ва қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли ёш аҳолининг мавжудлигидир. Республикамизда 2013 йилларга бориб, узумнинг 50,2 фоизи, сабзовотнинг 40,0 фоизи, меваларнинг 37,5 фоизи қайта ишланади. Бу эса уларнинг экспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган агросаноат фирмаларининг ҳудудий жойлашуви муҳим аҳамият касб этади. Хомашёни ташиш бўйича транспорт харажатлари ва уни ишлаб чиқарувчидан қайта ишлаш корхоналарига етказиш бериш муддати кўп жиҳатдан айнан шунга боғлиқ бўлади.

Таъкидлаб ўтилганидек, мева маҳсулотлари асосан транспортда ташишга мослиги паст, тез бузиладиган ва сақлаш қийин бўлган маҳсулотлар қаторига киради. Бу ҳолатлар қайта ишлаш корхоналарини хомашёни ишлаб чиқариш ҳудудларида жойлаштириш ёки хомашё ишлаб чиқарувчиларни йирик консерва заводи, вино заводи ва бошқа заводлар фаолият кўрсатадиган ҳудудларда ривожлантиришни талаб қилади. Амалиётда муаммони ҳал этишнинг иккала усулини уйғунлаштириш талаб қилинади, чунки кўплаб қайта ишлаш корхоналари мустақилликдан анча олдин ташкил қилинган ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари талаб қилинаётган ассортиментдаги хомашё сифатининг йўқлиги натижасида ва бошқа ташкилий сабаблар туфайли суст фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон мева маҳсулотлари хомашёсини ишлаб чиқариш ва уни саноат усулида қайта ишлашни агросаноат бирлашмалари ташкил этиш йўли билан узвий бирлаштириш борасида катта тажрибага эга. Илк агросаноат бирлашмаларидан бири 1963 йилда ташкил қилинган Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Халқобод» (У.Юсупов номидаги) АСБ ҳисобланади. Кейинроқ мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган хўжаликлар, шунингдек, Қибрай вино заводи ва Шахрисабз тумани консерва заводи асосида Қашқадарё вилоятида «Хосилот» АСБ ташкил этилди.

1975 йилда ташкил этилган «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» ихтисослашган республика бошқарув органи 2006 йилгача мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш ва сотиш бўйича барча корхоналар, ихтисослашган мева-сабзавотчилик ва боғ-узумзор хўжаликлари устидан раҳбарликни амалга оширган. 2006 йилдан бошлаб, у «Ўзузумсаноатхолдинг»га айлантирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги Қарорини амалга ошириш қайта ишлаш корхоналари фаолиятини янгича ташкилий-иқтисодий асосда қайта тиклашга хизмат қилади.

Ҳозирда кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартара этиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди.

2009 йили тасдиқланган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида⁷ принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишлардан бири – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат. Бу борадаги вазифа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан

⁷ “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-1046 сонли қарори. 2009 йил 25 январь.

жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиш учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ЯИМни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имоконини беради. Чунки, озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боради.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз жаҳон молиявий иқтисодий инқирози жараёнида авваломбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имконига эга бўламиз⁸.

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 45 б.

III боб. Ўзбекистонда мевачиликнинг минтақавий самарадорлиги

3.1. Ўзбекистон минтақаларида мева етиштириш минтақавий самарадорлиги

Ўзбекистон худудида мева дарахтлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар милoddан аввал 1- минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Асрлар давомида халқ селекцияси асосида ўрик, олма, ёнгоқ, бодом, шафтоли, анор, тут ҳамда токнинг жуда сарҳил мевали навлари яратилган. Уларнинг кўплари сифати жихатидан дунё коллекциясида ўзининг такрорланмас ўрнига эга. Шахар ва қишлоқлар атрофларида алоҳида мавзеларда аҳолининг боғлари ва чорбоғлари (мевазор, токзор, полиз ва сайилбоғда мевалар, ток, турли гулларнинг маҳаллий навлари экиб келинган. Боғи бўлган хонадонлар баҳорда боғига, кўзда йиғим-теримни тамомлаб яна шахар (қишлоқ,) ховлисига кўчиб яшаган. Етиштирилган мевалар хўллигида истеъмол этилган, лекин қоқи ва майиз олиш асосий ўринда турган. Туршак, жийда, шафтоли, олма қоқилар аҳоли учун асрлар давомида қанд-шакарнинг ўрнини босиб келган. 20- а. бошларида Республика боғларида мева ва резавор мева берадиган 20 турга мансуб дарахт, бўта ва ўт ўсимликлар ўстирилади. Уруғли мева дарахтлари (олма, нок, беҳи), данакли мева дарахтлари (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча, олуволи), субтропик ўсимликлар (анор, анжир), ёнгоқ мевалилар (ёнгоқ, писта, бодом), резавор мевалилар қулупнай, малина, смородина (қоракат), чаканда (облепиха) асосий ўринни эгаллайди. Олма, нок ва токнинг ёзги, кузги ва қишқи навлари муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Мевачилик қадимдан Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийсида тараққий этган. Меванинг умумий майдони 382 минг га дан ортиб кетди (мева боғлари 253 минг га). Хар йили ялпи ҳосил қарийб 1 млн./т ни ташкил этади. Ўзбекистонда қуруқ меванинг ноёб хиллари тайёрланади.

Иқтисодиётнинг аграр секторида, жумладан, мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик юритишнинг аграр-саноат бирлашмалар, агрофирмалар каби шакллари ва қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариши синтезининг ҳар хил турлари пайдо бўлди. Ислохотлардан олдинги даврда улар

давлат корхоналари, бирлашмалар сифатида анча муваффақиятли ва самарали фаолият юритган. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши туфайли улар қайта ташкил қилинган ёки тугатиб юборилган. Уларнинг айримлари кооператив, ширкат хўжаликларига, бошқалари кооператив, акциядорлик жамиятлари, очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги бирлашмалар, агрофирмаларга айлантирилди.

Мева маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш умумий самарадорлиги комплекснинг барча бўғинларида олинган даромадлар миқдоридан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши даромадларини чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади.

Бироқ кўпинча комплекс барча бўғинларни қамраб олган ҳолда бутун бир умумий ишлаб чиқариш сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, қайсидир фермер хўжаликлари мевачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, унинг ўзи маҳсулотни саноат усулида қайта ишлайди ва умумий(ягона) юридик шахс сифатида намоён бўлади. Бу ҳолатда бундай ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқариш сифатида кўриб чиқилади ва унинг самарадорлиги якуний маҳсулот чиқариш бўйича, яъни ер майдони бирлигига, битта ходимга, бир киши-кун ёки киши-соатга, ишлаб чиқариш фондларининг 100 сўмига, ишлаб чиқариш харажатларларининг 100 сўмига ҳисоблаганда соф даромад, ялпи даромад ва ялпи тушум олинганига қараб белгиланади.

Республикага тропик ва субтропик минтақалардан олиб келинган лимон, апельсин, мандарин, уноби, шарқ хурмоси, пекан каби мевалар тобора кўпроқ майдонларда экилмоқда. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида кўпгина хўжаликларда иссиқхона лимонзорлари барпо қилинган. Республика бўйича бундай иссиқхоналар майдони 400 га дан кўпроқ.

Республикада кўчатчилик ишлари ҳам илмий асосга қўйилган ва марказлаштирилган. Р. Р.Шредер номидаги корпорация, унинг вилоятлардаги филиал ва хўжаликларида хўжаликлар ва боғбон, соҳибкорларга сотиш учун хар йили 6-8 млн. дона турли мева дарахтлари ва ток кўчатлари етиштирилади.

Ўзбекистан ўз мустақиллигига эришгандан буён мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр ичида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини яратиш ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан ҳукумат даражасида кенг кўламда тадбирлар бажарилиб келинмоқда. Бу жараёнда ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга асосий эътибор қаратилиб, бу дунё миқёсида тан олинган "ўзбек модели"нинг асосий моҳияти ва Президент томонидан ишлаб чиқилган ислохотларни амалга оширишнинг беш тамойилининг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Ўз навбатида аграр секторда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширишда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қуйикомплекси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Агроиқтисодиётга бағишланган иқтисодий адабиётларнинг таҳлили кўрсатишича^г, мева-сабзавот маҳсулотлари бозори мазмуни бўйича бошқа бозорлардан кам фарк килади ва бозор муносабатларининг барча умумий жиҳатларига эга ҳисобланади. Шу билан бирга мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг хўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқарилган ва сотилаётган маҳсулот характери билан боғлиқ айрим ўзига ҳос жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз.

Бошқа бозорлардан фарқли равишда мева-сабзавот маҳсулотлари бозори кўп сонли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан ташкил топади. Мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмолчилари барча мамлакатнинг аҳолиси ҳисобланади ва табиийки, уларнинг кўпчилиги мева ва сабзавотларнинг харидорлари сифатида товар-пул муносабатларида фаол иштирок этадилар.

Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг муҳим таркибий қисми одамларнинг қимматли витаминлар, микроэлементлар ва инсон организми учун фойдали бўлган бошқа моддаларга бой мева-сабзавот ва узум маҳсулотларига талабини таъминлашни кўзда тутган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори

ҳисобланади.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори мақсадли белгиси бўйича бирлашган, аҳоли ва жамиятнинг хомашё ва қайта ишланган кўринишдаги сабзавотчилик, боғдорчиликчилик ва узумчилик маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида технологик, ташкилий ва иқтисодий жihatдан ўзаро узвий боғланган, турли мулкчилик шаклидаги тармоқлар ва фаолият турлари йиғиндисини ифодалайди. Бунда қатнашчиларнинг ҳар бири ўзининг иқтисодий манфатларига эришишни мақсад қилиб қўяди ва улар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Шу сабабли мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг вазифаси қатнашчиларнинг бир-бирига мос келмайдиган иқтисодий манфаатларини тулароқ ҳисобга олиш ва аҳолининг тўлов лаёқатига эга бўлган талабини қондириш бўйича якуний мақсадга эришиш учун манфаатларни самарали уйғунлаштиришга хизмат қиладиган иқтисодий воситалардан фойдаланишдан иборат.

Боғдорчиликда ҳар 1 гектар мевазор майдонидан ўртача ҳосилдорлик 1990 йил 47,0 ц.га тенг бўлган бўлса, табиий-иқлим шароитлари туфайли 2011 йил бу кўрсаткич 103,92 ц.ни ташкил қилди ва ўсиш 75 фоиздан ортиқ бўлди.

Мевачиликка асосланган фермер хўжаликларда 2012 йилда 216,9 минг тонна умумий ҳосилдорлик деҳқон хўжаликларда 642,8 минг тонна. Бундан кўриниб турибдики Фермер хўжаликларда умумий ҳосилдорлик барча тоифадаги фермер хўжаликлардаги ҳосилдорликдан анча паст. Бу таҳлилларни 3.1-жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

Кичик якка тартибдаги, деҳқон хўжаликлари Ўзбекистонда асосий мева-сабзавот маҳсулотлари ишаб чиқарувчилар ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда республикада жами етиштирилган меваларнинг 68,3 фоизи уларнинг улушига тўғри келган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 85,4 фоизни ташкил этди. Минтақалар бўйича мева етиштиришни таҳлил қилинганда охириги йилларда камайганлигидан далолат бераяпти.

Шунинг учун ҳам деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар Ўзбекистонда мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчиликни қўлдан бермай келяпти.

Айрим йиллар бўйича мевачилик ҳосилдорлигида жиддий тебранишлар асосан табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ.

3.1-жадвал

Республика минтақаларида мева етиштириш ҳосилдорлиги (ц/га)

№	Республика	Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича				Фермер хўжаликлар бўйича			
		2011	2012	2013	ўртача	2011	2012	2013	ўртача
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	19,1	24,7	27,4	23,73	8,8	11,9	13,0	11,23
2.	Андижон	277,5	358,9	396,9	344,43	71,8	85,4	104,0	87,07
3.	Бухоро	129,4	150,9	163,5	147,93	58,9	70,3	74,8	68
4.	Жиззах	48,5	56,3	61,6	55,47	23,2	24,3	25,9	24,47
5.	Қашқадарё	60,8	73,4	80,6	71,6	35,6	43,3	47,3	42,07
6.	Навоий	55,3	61,3	69,7	62,1	30,1	33,7	38,4	34,07
7.	Наманган	103,8	126,3	138,1	122,73	45,1	49,0	52,2	48,77
8.	Самарқанд	204,2	231,7	251,2	229,03	108,0	119,1	127,3	118,13
9.	Сурхондарё	63,5	92,3	101,5	85,77	36,2	49,8	52,5	46,17
10.	Сирдарё	15,2	19,8	21,3	18,77	8,3	10,3	11,2	9,93
11.	Тошкент	122,4	140,1	162,7	141,73	69,7	79,0	85,5	78,07

12.	Фарғона	212,3	256, 4	276,9	248,53	149, 3	175, 6	187, 8	170,9
13.	Хоразм	109,0	118, 3	127,3	118,2	59,1	64,6	70,4	64,7
14.	Республика бўйича	1420, 8	1710 ,3	1878, 8	1670	703, 9	816, 4	890, 3	803,53

Хусусан, охирги йилларда бу борада энг ноқулай келган 2002 ва 2003 йилларда мева дарахтлари айна гуллаган пайтда совуқ тушиши, дўл уриши ва жала ёғиши ҳисобига камайган бўлса, 2009 йил ва 2011 йилларда 75,5 ц/га ошди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг самарадорлиги кўрсаткичи харажатлар билан олинган даромадни нисбати орқали аниқланиб, қишлоқ хўжалиги кохоналарининг ишлаб чиқарилган маҳсулотини рентабиллигини кўрсатади. Лекин республика минтақалари бўйича рентабиллик кўрсаткичини аниқлаш имконияти йўқ. Сабаби минтақанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харажатлари билан ялпи олинган даромади ҳақидаги статистик маълумотлар юритилмайди. Шунинг учун минтақавий самардорлик кўрсаткичини ҳисоблашда республика бўйича ўртача кўрсаткични аниқлаб, ўртачадан паст ёки юқори даражага эга минтақаларни самарадорлигини тақослаш мумкин. Шунга асосланган ҳолда республика минтақаларида узумчиликнинг самарадорлигини ҳисобладик (3.2 жадвал).

Бунинг натижаси ўлароқ юқори ҳосилдорлик Андижон, Фарғона, Самарқанд Бухоро вилоятларида кузатилди энг юқори ҳосилдорлик 170,5 ц/га. Энг пас ҳосилдорлик эса Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳосилдорлик 49,3 ц/га энг паст ҳосилдорлик кузатилди. Фемер хўжаликларида ер гектари кўплиги ва ишчи кучининг камлиги сабаб умумий даромад сезиларли даражада пастдир.

Умуман олганда, фермер хўжаликларда мевачиликнинг ҳосилдорлиги (69,9 ц/га) барча хўжаликлар ҳосилдорлигига қараганда (82,7 ц/г) анча паст бўлиб,

84,5% на ташкил қилмоқда.

3.2-жадвал

Республика минтақаларида мева етиштириш ҳосилдорлиги (ц/га)

№	Республика	Ўртача ц/га	Ўртачадан фарқи	
			миқдоран ц/га	фоизда
15.	Қора қалпоғистон Республикаси	69,794	34,106	67,174
16.	Андижон	170,51	-66,61	164,11
17.	Бухоро	164,37	-60,47	158,2
18.	Жиззах	74,959	28,941	72,146
19.	Қашқадарё	76,17	27,73	73,311
20.	Навоий	129,38	-25,48	124,52
21.	Наманган	62,299	41,601	59,961
22.	Самарқанд	110,64	-6,743	106,49
23.	Сурхондарё	115,91	-12,01	111,55
24.	Сирдарё	49,395	54,505	47,541
25.	Тошкент	108,65	5,7	239,32
26.	Фарғона	83,68	20,22	80,539
27.	Хоразм	125,74	-21,84	121,02
28.	Республика бўйича	103,92	-	-

Якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари энг юқори ҳосилдорлик 142 ц/га бўлса, фермер хўжаликларида эса 111.4 ц/га га тенг. Якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари энг паст ҳосилдорлик 39.9 ц/га бўлса, фермер хўжаликларида эса 31.6 ц/га га тенг. Минтақалар аро таққосланганда умумий ҳосилдорлик юқори бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарувчиларнинг якка тартибда-шахсан манфаатдорлиги юқорилиги учун деб изоҳлаш мумкин.

Мевазорлар майдонининг кенгайтирилиши ва уларнинг ўртача ҳосилдорлиги ортиши ялпи ҳосилнинг 1402,7 минг тоннага етиши ёки 24,0 фоиз ўсишини таъминлади.

3.3-жадвал

Республика минтақаларида мева етиштириш ҳосилдорлиги (ц/га)

№	Республика	Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича			Фермер хўжаликлар бўйича		
		Ўртача ц/га	Ўртачадан фарқи		Ўртача ц/га	Ўртачадан фарқи	
			ми кдо-ран ц/га	фоизд а		ми кдо-ра н ц/га	фоизда
1.	Қора қалпоғистон Республикаси	69,794	34,106	67,174	66,05	18,34	78,26
2.	Андижон	170,51	-66,61	164,11	104,9	-20,50	124,29
3.	Бухоро	164,37	-60,47	158,2	136	-51,6	161,13
4.	Жиззах	74,959	28,941	72,146	66,13	18,26	78,35
5.	Қашқадарё	76,17	27,73	73,311	66,77	17,62	79,12
6.	Навоий	129,38	-25,48	124,52	109,9	-25,50	130,21
7.	Наманган	62,299	41,601	59,961	42,40	41,99	50,24
8.	Самарқанд	110,64	-6,743	106,49	93,75	-9,35	111,08
9.	Сурхондарё	115,91	-12,01	111,55	102,6	-18,2	121,56
10.	Сирдарё	49,395	54,505	47,541	39,72	44,68	47,06
11.	Тошкент	248,65	-144,7	239,32	85,79	-1,39	101,64
12.	Фарғона	83,68	20,22	80,539	80,23	4,16	95,06
13.	Хоразм	125,74	-21,84	121,02	115,53	-31,13	136,89
14.	Республика бўйича	103,92	-	-	84,40	-	-

Мева маҳсулотлари бозорининг ўзига хос ажратиб турувчи жихатлари, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг кўп сонлилиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери яққол ифодаланганлиги, табиий-иқлим шароитларига, айниққса, боғдорчилик ва узумчиликнинг қаттиқ боғлиқлиги, маҳсулотнинг тез бузилувчанлиги, уни сақлаш ва ташиш қийинлиги келтириб чиқаради.

Бу ва бошқа хусусиятлар мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қуйикомплексини, унинг иқтисодиётини ташкил қилишга ўз таъсирини кўрсатади.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қуйикомплекси фаолиятининг бу ва бошқа барча қатнашчилари бир-бири билан ташкилий-иқтисодий механизмлар ёрдамида алоқада бўлиб, уларнинг орасида қуйикомплекс қатнашчилари фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган шартномаларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики узумчилик бошқа вилоятларга қараганда Андижон, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятларида сезиларли даражада юқори бўлса Жиззах вилоятида ҳосилдорлик 49,3 ц/га энг паст.

Фермер хўжаликларда Андижон, Самарканд, Фарғона, Хоразм вилоятларида юқори даржада, Қарақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятларида сезилари даржада паст ҳосилдорлик.

Шундай қилиб, мева маҳсулотлари бозори мақсадли белгиси бўйича бирлашган, аҳоли ва жамиятнинг хомашё ва қайта ишланган кўринишдаги мева ва узум маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида технологик, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро узвий боғланган, турли мулкчилик шаклидаги тармоқлар ва фаолият турлари йиғиндисини ифодалайди. Бунда қатнашчиларнинг ҳар бири ўзининг иқтисодий манфаатларига эришишни мақсад қилиб қўяди ва улар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Шу сабабли мева маҳсулотлари бозорининг вазифаси қатнашчиларнинг бир-бирига мос келмайдиган иқтисодий манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш ва аҳолининг тўлов лаёқатига эга бўлган талабини қондириш бўйича якуний мақсадга эришиш учун манфаатларни

самарали уйғунлаштиришга хизмат қиладиган иқтисодий воситалардан фойдаланишдан иборат.

Мева маҳсулотлари хомашёси ишлаб чиқаришни қайта ишлаш корхоналари билан умумий шакллантириш доирасида ташкилий бирлаштириш кўплаб ўзига хос масалаларни, масалан, шунингдек, мева ва узум кўчатлари зарур ассортиментини танлаш, уларни парваришлаш ва керакли муддатда етказиб бериш масалаларини амалийроқ ҳал қилиш имкониятини таъминлайди. Бироқ унинг фаолиятида ижобий жиҳатлар билан бирга кўпинча барча афзалликларни йўққа чиқариб юборган айрим камчиликлар ва хатолар ҳам қайд этилди. Аввало бирлашма таркибига кирадиган барча қатнашчиларнинг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришишдан манфаатдорлигини таъминловчи иқтисодий ўзаро муносабатлар тизими тартибга солинмади. Бу биринчидан. Иккинчидан, хомашё базасининг қайта ишлаш корхона қувватларига мос келмаслиги. Бу камчилик бутун иқтисодий тизимнинг қайта ташкил қилиниши билан янада чуқурлашди.

3.2. Боғбон фермер хўжалигида мева етиштиришнинг самарадорлиги

Фермер хўжаликларида узумчиликнинг самарадорлиги ҳақида фикр юритиш учун Паркент тумани Қорақалпоқ қишлоғи Боғбон фермер хўжалиги иқтисодий кўрсатларини таҳлил этиб кўрайлик. Хўжалик боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, 26,1 гектар ерга эга. Шундан 24 гектари суғориладиган ерлардир. Экин экишга мўлжалланган ерлари 1,8 гектар.

Хўжаликнинг охириги икки йиллик молиявий кўрсаткичларини 3.4-жадвалда таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, даромад кўрсаткичлари ҳам, харажат кўрсаткичлари ҳам охириги йил давомида қарийиб 1,5 баробарга ўсганлигига гувоҳ бўламиз.

3.4-жадвал**Боғбон фермер хўжалиги молиявий кўрсаткичлари, млн.сўмда**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	Ўсиш, %
Маҳсулот сотиш	18,01	33,00	165
Таннарх	13,23	26,04	156
Ялпи фойда	4,78	6,96	145
Давр харажатлари	3,03	4,47	141
Соф фойда	1,75	2,49	142

Лекин, харажат кўрсаткичларининг энг паст миқдори (давр харажатлари 41,2% га ўсган) даромад кўрсаткичларини ўсишининг энг паст миқдори (соф фойда 42% га ўсган) дан пастлиги ва харажат кўрсаткичлари ўсишининг энг юқори миқдори (таннарх 56% га ўсган) даромад кўрсаткичларини ўсишининг энг юқори миқдори (маҳсулот сотиш 65% га ўсган) дан анча пастлигини назарда олсак, молиявий кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгараётганлига гувоҳ бўламиз.

Хўжаликда мевачиликнинг самарадорлигини таққослаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2010-2013 йиллардаги ўзгариш динамикасини таҳлил қилиб кўрайлик(3.5-жадвал).

3.5-жадвал

**Боғбон фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш
ҳажми, тонна**

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013 й.да 2010 й.га нисбатан, %
Буғдой	25,3	32,5	6,5	9,2	36,4
Картошка	6,0	10,0	4,5	2,6	43,3
Сабзавотлар	41,8	20,0	3,6	7,0	16,7
Мевалар	1,6	12,0	9,0	39,0	24,4 марта
Узум	4,5	12,7	13,5	18,0	4 марта

Кўрилаётган давр мобайнида дончилик, сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2,5-5 барабар камайиб кетган ҳолда, боғдорчилик маҳсулотлари ҳажми 4-24,4 мартагача ошиб кетган. Айниқса, мевачилик жуда ривожланган (24,4 марта ошган). Ушбу ҳолат боғдорчилик юқори ҳосил бериш даражасига етганлиги, хўжаликни тўлиқ боғдорчиликка ихтисослашганлигидан дарак беради.

Ушбу даврда боғдорчиликни ҳосилдорлик даражаси ҳам 1,4-4 мартага ошган (3.6-жадвал).

3.6-жадвал

Боғбон фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳосилдорлиги, т/га

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013 й.да 2010 й.га нисбатан, марта
Буғдой	46,9	50,0	50,0	61,3	1,3
Картошка	120,0	200,0	150,0	260,0	2,16
Сабзавотлар	220,0	250,0	180,0	350,0	1,6
Мевалар	80,0	60,0	45,0	111,4	1,4
Узум	30,0	84,7	90,0	120,0	4

Мевачиликда 1-гектардан олинadиган даромад қарийб 3,342 миллион сўмни ташкил қилиб, буғдойдан олинган даромадлардан ортиқроқдир. Тўғри мевачиликни даромадлилиги картошка ва сабзавотларни даромадлилигидан анча паст, лекин, боғдорчилик билан сабзавотчиликда ишлаб чиқиш харажатлари, ердан фойдаланиш турлича бўлганлиги сабабли 1-гектардан келадиган даромадни тўғридан-тўғри таққослаш ўринли эмас.

Умуман олганда, Боғбон фермер хўжалигида боғдорчиликда мевачилик

узумчиликдан кейин самарали соҳа ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

1. Ҳар бир халқнинг у ёки бу муайян маҳсулот борасида ўзига хос хоҳиш-истаклари бўлади шунинг учун мева маҳсулотларига талабнинг шаклланишида истеъмолчиларнинг этник, миллий таркибини ҳисобга олиш лозим. Агар бу нарса ҳисобга олинмаса, мева маҳсулотларининг айрим турлари реал эҳтиёжлардан кўпроқ, бошқалари эса – аксинча, камроқ ишлаб чиқарилади.

2. Бозор нархларининг кескин ўсиб кетишига йўл қўймайдиган асосий восита бўлиб мевачиликни деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосида унинг таклифини ошириш зарур. Ўзбекистонда мевачилик бозор нархлари маъмурий аралашувсиз, эркин, талаб ва таклиф асосида сифатига қараб шаклланади..

3. Деҳқон ва фермер хўжаликларнинг маҳсулотларни транспорт воситасида ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини қисқартириш ва аҳоли бандлигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадлари ўсиши ва ишсизлар билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши; қишлоқ аҳолиси учун қулайликлар яратиш, яшаш жойига яқин меҳнат қилиш имконияти яратиш; бутун мева-узум ва сабзавот комплексининг фаолият кўрсатиш умумий самарадорлигининг ўсишига кўмаклашиш билан асосланади.

4. Умуман 2000-2010 йиллар давомида Ўзбекистонда мева-узум ва сабзавот маҳсулотлари истеъмолчилари умумий сони 2,2 млн. киши ёки 9,0 фоизга, жумладан, шаҳар жойларда 0,4 млн. киши ёки 4,3 фоизга, қишлоқ жойларда – 1,8 фоизга ўсган. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши юқори суръати сақланиб турибди, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,5-1,6 фоизни ташкил қилади.

5. Юқори ҳосилдорлик Андижон, Фарғона, Самарқанд Бухоро вилоятлида кузатилди энг юқори ҳосилдорлик 170,5 ц/га. Энг пас ҳосилдорлик эса Сирдарё

вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳосилдорлик 49,3 ц/га энг паст ҳосилдорлик кузатилди. Фемер хўжаликларида ер гектари кўплиги ва ишчи кучининг камлиги сабаб умумий даромад сезиларли даражада пастдир.

Умуман олганда, фермер хўжаликларда мевачиликнинг ҳосилдорлиги (69,9 ц/га) барча хўжаликлар ҳосилдорлигига қараганда (82,7 ц/г) анча паст бўлиб, 84,5% на ташкил қилмоқда.

Мева етиштириш ҳажмини оширишда асосий эътибор ўртача ҳосилдорликни ҳеч бўлмаса 2012йилдаги 76,4 центнерга қарши 120 центнерга тқашишга қаратилади. Ўртача ҳосилдорликни бундай оширишнинг имконияти мавжуд, чунки кўплаб хўжаликлар 2015 йилда башорат бўйича белгиланган ҳосилдорликни ҳозирнинг ўзида олмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги Қонуни. Деҳқон хўжаликлари тўғрисида қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1998. 1-том. – Б. 92-107.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фермер хўжалиги тўғрисида Қонуни. // Олий мажлис ахборотномаси. – Т., 2004. №9. – Б. 22-35.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси”. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. 1-том.416 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. 1-том. 416 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлари оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4041-сонли Фармони. 2008 йил 20 октябрь. // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 22 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255 сонли «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини» ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори
7. И.А.Каримов. 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2014 йил, 19 январ.
8. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавот, полиз ва картошка экинларидан юқори ҳосил олиш усуллари.Т. : 2008– 43 б.
9. Бекназов Ю. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Университет» 2005. – 125 б.
10. Бекназаров Ю. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш. Т.: - «Ўзбекистан» 2000. – 176 б.

11. Турсунхўжаев Т., Эгамбердиев О., Мамадвалиев Т. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва унинг тараққиёти. – Т.: Ўзбекистан зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. – 1993. 18 б.

12. Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. – Т.: “ФАН”, 2006 – 125 б.

13. Шодмонов Ш., Ғанихўжаева Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш. – Тошкент, «Ўзбекистон» – 1993. – 175 б.

14. Чориев К.А., Беркинов Б. Дехқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. – Т.: Шарқ.2002. – 16 б.

15. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 32 б.